

Огоҳ бўлинг! Танада бир парча гўшт бор

09:55 / 20.01.2019 4394

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлинг! Танада бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, бутун тана соғлом бўлади. У бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлинг! Ўша нарса қалбдир».

Муттафақун алайҳ.

Сиррий Сақтий айтдилар:

Бир қалб борки, у худди тоғга ўхшайди. Уни бирор нарса қимирлата олмайди. Яна бир қалб борки, у хурмо дарахтига ўхшайди. Илдизи мустаҳкам тураверади, лекин шамол уни ўнг ва чап томонга эгиб туради. Учинчи бир қалб борки, у патга ўхшайди. Ҳар қандай шамолга учаверади, унда субут бўлмайди.